

ШАХСЛАРНИ ТАНОСИЛ КАСАЛЛИКЛАРИ ВА ОИВ ИНФЕКЦИЯСИДАН
ҲИМОЯЛАШДА АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ
ҚОНУНЧИЛИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ



ELSEVIER



Received: 07-02-2023

Accepted: 08-02-2023

Published: 22-02-2023

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7622114>

Нарзиллов Фарход Насилоевич

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги,
Уюшган жиноятчиликка қарши кураш бошқармаси,
Ахлоқ ва соғлиққа қарши жиноятлар
билан курашиш бўлими бошлиғи
E-mail: narzilloyevfn197515@gmail.com



Abstract: Мақолада, таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ жиноятларнинг тушунчаси, халқаро даражадаги глобал муаммо сифатида ижтимоий ҳавфи, ҳуқуқий тавсифи, ушбу жиноятларга қарши курашишда хорижий давлатлар қонунчилигида белгиланган нормалар ва уларнинг ўзига хослиги бўйича маълумотлар келтириб ўтилган
Keywords: таносил касаллиги, ОИВ касаллиги, ОИТС, ижтимоий ҳавф, соғлиққа қарши жиноят, ахлоққа қарши жиноят, қонунчилик нормасида акс этиши..

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

ОСОБЕННОСТИ УГОЛОВНОГО ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА НЕКОТОРЫХ
ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН В ЗАЩИТЕ ЛИЦ ОТ ВЕНЕРИЧЕСКИХ БОЛЕЗНЕЙ И
ВИЧ-ИНФЕКЦИИ

Нарзиллов Фарход Насилоевич

начальник отдела по борьбе с преступлениями
против нравственности и здоровья агентства
по борьбе с организованной преступностью
Министерства внутренних дел Республики Узбекистан.

E-mail: narzilloyevfn197515@gmail.com.



Received: 07-02-2023

Accepted: 08-02-2023

Published: 22-02-2023

Abstract: В статье представлены понятия преступлений, связанных с распространением венерических болезней или ВИЧ-инфекции (СПИД), их социальная опасность как глобальная проблема международного уровня, правовая характеристика, сведения об установленных в законодательстве зарубежных стран норм по борьбе с этими преступлениями и об их уникальности.

Keywords: венерическая болезнь, ВИЧ-инфекция, СПИД, социальный риск, преступление против здоровья, преступление против нравственности, отражение в правовой норме...

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

FEATURES OF THE CRIMINAL LEGISLATION OF SOME FOREIGN COUNTRIES
IN THE PROTECTION OF PERSONS FROM SEXUALLY TRANSMITTED DISEASES
AND HIV INFECTION

Narzilloev Farhod Nasiloevich

head of the department for combating
crimes against morality and health
of the agency for combating organized crime
of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: narzilloyevfn197515@gmail.com.



Abstract: The article presents the concepts of crimes related to the spread of sexually transmitted diseases or HIV infection (AIDS), their social danger as a global problem of the international level, legal characteristics, information about the norms established in the legislation of foreign countries to combat these crimes and their uniqueness.

Keywords: venereal disease, HIV infection, AIDS, social risk, crime against health, crime against morality, reflection in the legal norm...

About: FARS Publishers has been established with the aim of spreading quality scientific information to the research community throughout the universe. Open Access process eliminates the barriers associated with the older publication models, thus matching up with the rapidity of the twenty-first century.

Received: 07-02-2023

Accepted: 08-02-2023

Published: 22-02-2023

Шахсга таносил касаллигини юктириш саломатликка қарши алоҳида жинойт ҳисобланади. ОИВ касаллиги (ОИТС) XX-аср охирида инсоният олдидаги энг катта ва фожиали муаммолардан бири сифатида қаралган ва сўнгги вақтларда тиббиёт соҳаси жуда катта ютуқларни қўлга киритишига қарамасдан бугунги куннинг ҳам долзарб муаммоларидан бири бўлиб турибди. Статистик маълумотларга кўра, Дунёда ОИВ инфекцияси эпидемияси тез суръатлар билан тарқалмоқда. Сўнгги 20 йил давомида ОИТСдан 20 млн.дан зиёд одам вафот этди, қарийб 50 млн. киши касалланган. Глобаллашув ва миграция жараёнининг тобора кенгайиб бориши, касалликнинг тарқалиш хавфи янада ошишига олиб келмоқда □1□.

ОИТС мураккаб илмий муаммодир. Ҳозиргача ҳужайраларнинг генетик аппаратини бегона (вирусли) маълумотлардан тозалаш каби муаммони ҳал қилишнинг назарий ёндашувлари ҳам номаълум. Бу муаммога ечим топилмаса, ОИВ инфекцияси устидан тўлиқ ғалаба бўлмайди. Ушбу муаммо нафақат Ўзбекистонда шунингдек, бутун дунёда ОИВ инфекциясининг эпидемик ҳолати тез суръатлар билан ёмонлашишда давом этмоқда. Сўнгги йилларда Республикамизда юзага келаётган ижтимоий эркинлик жараёни ўзининг ижобий характери билан бирга, айрим тоифа ёшларда ахлоқий тамойилларнинг пасайишига ва уларнинг ҳуқуқий нигилизмига олиб келди. Мазкур жараёнда, тадқиқотчи Г.А. Мирсалихова томонидан билдирилган куйидаги фикрлар эътиборга молик, яъни: "... ҳар бир жамиятда тарбиясида нуқсонга эга, ёки бошқа салбий хусусиятга эга ташқи таъсирлар натижасида ҳаётда ўз ўрнини топишга қийналаётган ва шу сабаб ўзи билиб, билмай жинойт оламига тушиб қолаётган ёшларнинг ҳам борлиги ҳали бу борада соҳа вакиллари олдида амалга оширилиши лозим бўлган яна бир қатор вазифалар борлигини кўрсатиб бермоқда" □2□.

Бу борада Республикамизда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида, 2023 йил 20 январь куни "Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорида □3□, аҳоли орасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш ва

шунга кўра, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси томонидан 2030 йилга бориб ОИВ эпидемиясига барҳам бериш учун “95-95-95” стратегияси илгари сурилганлиги ва унинг доирасида ОИВ инфекциясини юктириб олган шахсларнинг 95 фоизи ўз мақомини билишлари, махсус даволаш курслари билан қамраб олиниши, 95 фойзининг қонида вирус юктамаси аниқланмайдиган даражага тушиши ҳақидаги маълумотларни қабул қилиш ҳамда ташкилий тадбирлар учун 120 миллиард сўм ва 54 миллион АҚШ доллари миқдоридagi маблағлар йўналтирилиши белгилаб қўйилди.

Қарор мазмунидан маълум бўладики, тизимда амалга оширилаётган ишлар кўпгина жиҳатдан халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган нормаларга ва шахсни таносил касалликлари ва ОИВ инфекциясидан ҳимоя қилишнинг асосий усулларида бири сифатида уни юктириш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатларни жинойий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаш ва унга қарши курашиш чора-тадбирларини жинойят қонунчилиги билан тартибга солиш орқали амалга оширилишида кўриш мумкин.

Бугун дунёнинг кўпгина мамлакатларида шахсларнинг ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирадиган таносил касалликлари ва ОИВ инфекциясини юктирганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Мазкур ҳаракатлар “хавфли хусусиятга эга” жинойий ҳуқуқбузарликлар сифатида тан олинади ва жамоат хавфсизлигига қарши, шу жумладан аҳоли саломатлигига қарши жинойятлар гуруҳига киради. Мисол учун, Даниянинг жинойят кодексида бундай ҳуқуқбузарликлар “жамият учун хавф туғдирадиган жинойятлар”, КХДРнинг жинойят кодексида - “жамоат саломатлигига қарши жинойятлар”, Швециянинг жинойят кодексида - “жамият учун хавфли жинойятлар”, Швецариянинг жинойят кодексида - “аҳоли саломатлигига қарши жинойятлар ва ҳуқуқбузарликлар”, Аргентинанинг жинойят кодексида - “хавфсизлик, аҳоли саломатлиги ва атроф-муҳитга қарши жинойятлар”, Молдованинг жинойят кодексида - “аҳоли саломатлиги ва ҳаётига қарши жинойятлар”га қиради.

Кўпгина хорижий давлатларда касалликларнинг нафақат белгиланган турлари (тери-таносил касаллиги, ОИВ инфекцияси), балки атрофдагиларга хавф туғдирадиган барча юқумли касалликларни юктирганлик учун жинойий жавобгарлик белгиланган. Бунга Даниянинг жинойят кодексида “жамиятда тарқалиш хавфига эга юқумли касалликлар”, Швециянинг жинойят кодексида ҳар қандай “жиддий касаллик”, Аргентинанинг жинойят кодексида “одамлар учун хавфли юқумли касаллик” ва бошқаларни мисол қилиш мумкин.

Полша Жинойят кодексида кўриб чиқилаётган жинойятларнинг ижтимоий-ҳуқуқий табиати замонавий Ўзбекистон қонунчилигига ўхшайди. Полша Жинойят кодексида ОИВ инфекцияси ва тери-таносил касалликларини

юқтириш шахсининг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар тоифасига киради (161-модда. XIX боб “Ҳаёт ва саломатликка қарши жиноятлар”). Ўзбекистон қонунчилигида ҳам (III боб.) “Ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли жиноятлар” деб номланган бобга киритилган (113-модда.) таносил ёки ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш □5□ билан боғлиқ қилмишнинг жиноят эканлиги белгилаб қўйилган.

Полша жиноят қонунчилигида ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш билан бошқа хавфли юқумли касалликларни юқтирганлик учун жавобгарлик ажратиб кўрсатилган. Шунингдек, Полша Жиноят кодексига кўра, юқорида таҳлил қилинган жиноятларнинг тугалланганлик ҳолати “касалликнинг юққан ёки юқмаган”лиги билан боғлиқ эмас. Яъни, Жиноят кодексининг 161-моддаси 1-қисмига мувофиқ, “ўзи ОИВ билан касалланганлигини билганига туриб бошқа одамни хавф остига қўйган шахс 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади”. 161-модданинг 2-қисмига кўра “ўзи тери-таносил касаллиги ёки бошқа оғир юқумли даволаб бўлмайдиган касаллик, ёки ҳаёт учун хавфли бўлган касаллик билан касалланганлигини била туриб бошқа одамни хавф остига қўйган шахс озодликдан чеклаш ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади□6□.

Грузия жиноят қонунчилигида ОИВ касаллиги/ОИТСни тарқатиш ҳамда бошқа турдаги юқумли касалликни юқтириш алоҳида моддалар билан квалификация қилинади. ОИВ инфекцияси билан касалланиш бошқа одамнинг ҳаёти ва саломатлигига хавф соладиган ҳаракатларда ифода этилса, бундай ҳуқуқбузарликларни жиноят сифатида Жиноят кодексининг 131-моддаси 1-қисмига биноан, бошқа шахсни қасддан ОИВ инфекциясини юқтириш хавфи остида қолдириш беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ушбу модданинг 2-бандига кўра, бошқа шахсга ОИВ инфекциясини қасддан юқтирганлик учун саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Грузия Жиноят кодексининг 131-моддаси 3-қисмига биноан, касбий вазифаларни бажаришда бепарволик туфайли бошқа одамга ОИВ юқтирганлик учун 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ўз касби билан шуғулланиш ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум қилиш жазолари белгиланган. 1, 2 ва 3-қисмлардаги жиноятларни икки ва ундан кўп шахсларга, ҳомиладор аёлларга ёки вояга етмаганларга нисбатан содир этиш янада оғирроқ жиноят тури ҳисобланади (Грузия Жиноят кодексининг 131-моддаси 4-қисми). Бундай турдаги жиноятлар 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ва ушбу соҳа билан боғлиқ фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқидан 3 йилгача маҳрум қилиш билан жазоланади.

Грузия Жиноят кодекси 132-моддасининг 1-қисмида бошқа шахсни қасддан юқумли касалликни юқтириш хавфи остига қўйиш ҳақида гап

боради. Бундай турдаги жиноят жаримага тортиш, олти ойгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёки 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бошқа шахсга юқумли касалликни қасддан юқтириш жарима, 1 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёки 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади(132-модданинг 2-қисми). 2 ва ундан кўп шахс, ҳомиладор аёл киши, ёки вояга етмаганларга касалликни юқтириш ҳолатларида жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланади (132-модданинг 3-қисми) □7□.

Молдавия қонунчилиги кўриб чиқиладиган жиноятларга нисбатан ўзига хос ёндашувга эга. Молдавия Жиноят кодексига кўра, юқумли касалликларни юқтирганлик учун жавобгарлик “Фуқаролар саломатлиги ва ҳаётига қарши жиноятлар” номли VIII-бобда жойлашган. Ушбу боб Молдавия Жиноят кодексининг 211-моддасини “тери-таносил касалликларини юқтириш” ўз ичига олади ва икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмида шахс тери-таносил касаллиги билан касалланганлигини била туриб бошқа одамга юқтирган шахсга нисбатан жавобгарлик кўрсатилган. Бундай жиноят 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Иккинчи қисмда ўша жиноятни қайта содир этганлик, ёки 2 ва ундан ортиқ шахсга, ёки вояга етмаганларга нисбатан содир этганлик учун 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўзда тутилган.

Субъектга келадиган бўлсак, бу савол чет эл қонунчилигида ҳар хил йўл билан ечилади. Масалан, собиқ МДХ давлатлари қонунчилигида махсус субъект-ўзида касаллик борлигини билган шахс тўғрисида гап боради (Арменистон, Грузия, Қозоғистон, Беларус Республикаси жиноят кодекслари ва бошқалар). Бошқа хорижий давлатларнинг жиноий қонунчилигида келтирилган жиноятлар умумий субъектга эга.

Бошқа хорижий давлатларнинг жиноий қонунчилигига кўра, атрофдагиларга хавф туғдирадиган юқумли касалликларни юқтириш айбдорликнинг бепарво (Швейцария, Украина, Дания, Болгария, Аргентина жиноят кодекслари ва бошқалар), ва била туриб (Латвия, Норвегия жиноят кодекслари) уюштирилган турлари ҳисобланади.

Хорижий давлатларнинг жиноий қонунчилигига кўра, “эпидемиологик” жиноятларнинг асосий тузилиши қуйидаги структурага эга: “ҳуқуқбузарлик хавфи” (Швеция, Қозоғистон, Беларус Республикаси жиноят кодекслари ва бошқалар) ва моддий таркиби (Дания, Швейцария, Латвия жиноят кодекси ва бошқалар).

Шунингдек хорижий давлатларда таносил касалликлари ва ОИВ инфекциясини юқтириш билан боғлиқ жиноятларни содир этганлик учун

санкциялар жарима, қамок, озодликдан маҳрум қилиш кабиларда ифодаланиб, улар бири биридан миқдори ва муддатлари билан фарқ қилади.

Албатта, жинойтчиликка қарши курашиш фаолияти ҳар бир давлатда унинг салоҳияти, имконияти, мазкур вазифани амалга оширишнинг давлат томонидан қонунчиликда белгилаб қўйган ҳимоя тизими ва бошқа шу каби кўплаб омиллар асосида фарқланиши кузатилади. Шу сабабли ҳар бир давлат тажрибасини ўрганиш, ўзига хос жиҳатларини таҳлил этиш ва миллий тизимга тадбиқ этиш ушбу соҳада, яъни жинойтчиликка қарши курашишда ижобий характерга эга бўлган жиҳат ҳисобланади. Ушбу хулосани тадқиқотчи, А.А. Таштемировнинг: "... ҳуқуқбузарликларининг олдини олишда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарали бўлишини таъминлаш, олдини олиш чораларини такомиллаштиришда илғор хориж тажрибасини ўрганиш, жинойтчиликка қарши курашда самарали тизимни яратишда улардан унумли фойдаланиш ва бу изланишларнинг узлуксиз ва давомийлигини таъминлаш бугунги жинойт оламида содир этилаётган қонунга зид ҳатти-ҳаракатларнинг ўз вақтида олди олиншини, бартараф этилишини таъминловчи асосий воситалардан бири ҳисобланади", - деган фикрларида ҳам кўриш мумкин [8].

Бугунги кунда жинойтчиликка қарши курашиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, аввало унинг профилактикасини тўғри ташкил этиш ва амалга ошириш билан белгиланмоқда. Чунки содир этилган жинойт натижасида инсон шаъни ва кадр-қиммати, соғлигига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган, айти шу йўналишда бузилган ҳуқуқларни қайта тиклаш имконсиз ҳолатлар сифатида баҳоланади. Мазкур жараёнинг ушбу жиҳатлари тадқиқотчи Э.А. Тураевнинг: "Таъкидлаш лозимки, жинойтчиликка қарши курашиш самарадорлиги, содир этилиши мумкин бўлган жинойтларни олдиндан аниқлаш, ўрганиш ва таҳлил қилиш ва шу орқали содир этилишини ўз вақтида тўхтатиш ва бартараф этишга боғлиқ" [9], - деган фикрларида ўз аксини топган.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозимки, жинойт қонунчилигида белгиланган, таносил ёки ОИВ касаллиги (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг жинойт-ҳуқуқий тавсифи, тушунчалар ва унинг ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар ушбу турдаги жинойтларга қарши курашишни ҳуқуқий жиҳатдан асослаш билан бирга, қарши курашиш субъектларининг ҳатти ҳаракатларини тартибга солиш, уларнинг ўзаро ҳамкорликда амалга оширилиши белгиланган фаолият механизмларини ишлаб чиқиш ва ўтказиш, фаолият натижаларини тегишли тартибда ҳужжатларштириш, ушбу турдаги жинойтларга қарши курашиш самарадорлигига эришиш имконини бериши билан ўз аҳамиятига эга

ҳисобланади. Айниқса, жамиятда бошқалар ҳаёти ва соғлигига хавф туғдирадиган ОИВ касаллиги юктириш, (ОИТС)ни тарқатиш билан боғлиқ жиноятлар континентал ҳуқуқ тизимида эга кўпчилиқ давлатларнинг қонунчилигида мавжуд ва бу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик билан боғлиқ саволлар турлича ёндашувларга эга.

Сўнги хулоса ўрнида, таносил касалликлари ёки ОИВ инфекциясидан ташқари бошқаларга хавф туғдирадиган барча юқумли касалликларни юктирганлик учун жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи хорижий давлатлар тажрибаларини миллий қонунчиликда қўллаш тавсия этилади.

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. https://www.UNAIDS.org/sites/default/files/media_asset/miles-to-go_en.pdf.
2. Мирсалихова Г. А. Ривожланган хорижий давлатларда вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятчиликка қарши курашишнинг тартибга солиниши //so 'ngi ilmiy tadqiqotlar nazariyasi. – 2023. – Т. 1. – №. 6. – С. 5-15.
3. https://uza.uz/uz/posts/odamning-immunitet-tanqisligi-virusi-keltirib-chiqaradigan-kasallikka-qarshi-kurashish-tizimini-yanada-kuchaytirish-chora-tadbirlari-togrisida_447077
4. Борзенков Ф.Н. Квалификация преступлений против жизни и здоровья: Учебно-практическое пособие. - М.: «Зерцало-М»- 2007. С.144.
5. <https://lex.uz/docs/111453#234188>.
6. Пудовочкин Ю.Е., Пирвагидов С.С. Понятие, принципы и источники уголовного права: сравнительноправовой анализ. – М.: «Юридический центр Пресс». - 2007.С. 297.
7. Сухарева А.Я. , Гирько С.И. Право. - М.: «Экзамен» - 2014. С.383.
8. Таштемиров А. А. Фирибгарликка имкон берувчи шарт-шароитлар ва ушбу турдаги жиноятларга тайинланадиган жазо тизимининг ўзига хослиги //Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences. – 2022. – Т. 2. – №. 10 Special Issue. – С. 42-48.
9. Тураев Э. А. Уюшган жиноятчилик тушунчаси ва унинг жиноий ҳуқуқий тавсифи //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. – 2023. – Т. 11. – №. 1. – С. 438-445.